

“ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi”  
АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг  
2022 йил 30 июн даги  
баённомаси билан  
“ТАСДИҚЛАНГАН”  
(3-илова)

“ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi” АЖ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ  
(янги таҳрирда)

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi” акциядорлик жамияти (матнда “**Жамият**” деб юритилади) кузатув кенгашининг мақомини белгилайди.

1.2. Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР қонунига (матнда “**Қонун**” деб юритилади) ҳамда жамият таъсис ҳужжатларига (таъсис шартномаси ва устав) мувофиқ ишлаб чиқилди.

1.3. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ва жамият таъсис ҳужжатлари билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

1.4. Жамият Кузатув кенгаши ўз ишини қонунчилик, жамият таъсис ҳужжатлари, жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарорлари ва ушбу низом асосида амалга оширади.

1.5. Жамият Кузатув кенгашининг сон таркиби жамият уставида белгилаб қўйилади.

1.6. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилиши мумкин. Агар жамият акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият фақат мазкур жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати, агар бундай хизмат мавжуд бўлса, ўз фаолиятида аудит қўмитасига ҳисобдордир.

## II. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг қон тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- қонунда назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- жамиятнинг филиалларини (худудий суғурта департаментлари, суғурта маркалари в.х.к.) ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- қонунда назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
  - қонунга мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
  - жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини тайинлаш, раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш.
  - ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
  - жамият ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги ички ҳужжатларини (низом, йўриқнома ва х.к.ларни) тасдиқлаш;
  - кузатув кенгаши ваколатларидан келиб чиқадиган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.
- 2.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонун ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.
- 2.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

### III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ

- 3.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади.
- 3.2. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.
- 3.3. Жамият Бош директори, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.
- 3.4. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.
- 3.5. Агар жамият акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилса, жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Қуйидаги шахс кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:
- сўнги 3 (уч) йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларида ишламаган шахс;
  - жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;
  - жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;
  - жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;
  - жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахсининг ёки сўнги 3 (уч) йил ичида уларга аъзо бўлган шахсининг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғилган ва ўғай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;
  - давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.
- 3.6. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбаган қўйиладиган талаблар жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

3.7. Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби жамият устави билан белгиланади.

3.8. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортик номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

3.9. Жамият кузатув кенгашининг раиси, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

3.10. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

3.11. Жамият кузатув кенгашининг раиси:

- унинг ишини ташкил этади;
- кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;
- мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

3.12. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

#### **IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ**

4.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси:

- кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра;
- жамият кузатув кенгаши аъзоси ташаббусига кўра;
- ижроия органи ташаббусига кўра чақирилади.

4.2. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият уставида белгиланади, бироқ у жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлмаслиги керак.

4.3. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчинини тайинлашга ҳақлидир.

4.4. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунда ва жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

4.5. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

4.6. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

4.7. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи мавжуд.

4.8. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисида иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар;
- мажлисининг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

- қабул қилинган қарорлар.

4.9. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

4.10. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

4.11. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

## **V. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ДОИР МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

5.1. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- олий маълумотга эга бўлиши;
- амалдаги қонун, фармон, қарор ва бошқа давлат органлари томонидан чиқарилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши;
- бошқарув органларида ёки раҳбар сифатида камида 1 (бир) йиллик тажриба.

## **VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҚОШИДА ҚЎМИТАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

6.1. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун жамият кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар) дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этилиши мумкин.

6.2. Қўмиталарни шакллантириш мақсади ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамият кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланган низомларда белгиланади.

## **VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7.1. Кузатув кенгаш аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- кузатув кенгаш мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан сўзга чиқиш;
- жамиятнинг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиш;
- кузатув кенгашида вазифаларни бажарганлик учун тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш;
- қонунчилик, жамият таъсис ҳужжатлари ва мазкур низомига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

7.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланади.

7.3. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари қуйидагиларга мажбур:

- жамият битим тузишидан аффилиланганлиги тўғрисида қонунчиликда белгиланган тартибда жамиятни хабардор этиши;
- ўз мажбуриятларини ҳалол бажариш;
- жамият манфаатлари йўлида ўз мажбуриятларни “энг яхши” деб ҳисоблайдиган усул билан амалга ошириш;
- қонунчилик, жамият таъсис ҳужжатлари ва мазкур низомига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

7.4. Кузатув кенгаш аъзолари кузатув кенгаш томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

7.5. Кузатув кенгаш аъзолари жамият имкониятлари (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

## **VIII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 8.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари жамият олдида қонунчилик, жамият таъсиси ҳужжатлари ва ушбу низомга мувофиқ жавоб берадилар.
- 8.2. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.
- 8.3. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.
- 8.4. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.
- 8.5. Суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини жамиятга мулкӣ зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ваколатлари суднинг қарорига асосан тугатилиши мумкин.
- 8.6. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси жамиятга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлгон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

## **IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

- 9.1. Жамият ижро органи раҳбари кузатув кенгаши аъзоларини зарур материаллар билан тامينлаш ҳамда акциядорлар ва инвесторлар ўртасидаги ўзаро алоқа учун масъулдир.
- 9.2. Мазкур низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва /ёки жамият таъсис ҳужжатларига зид бўлса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар тартибга солган масалалар юзасидан мазкур низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва/ёки жамият таъсиси ҳужжатлари талабларига риоя этиш лозим.